

Дуони Аллоҳга ҳамд айтиш ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга салавот айтиш билан бошлаш



10:22 / 27 май 2347

Фазола ибн Убайд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир киши Аллоҳни улуғламасдан ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга салавот айтмасдан дуо қилаётганини эшитиб: **«Бу киши дуо қилишда шошилди»**, дедилар. Сўнгра уни ёки бошқасини чақириб: **«Сизлардан бирортангиз дуо қилса, Аллоҳга сано айтиб, Уни улуғлаб ва Расулуллоҳга салавот йўллаб, кейин хоҳлаганича дуо қилаверсин»**, дедилар.

Абу Довуд, Термизий, Насай ривоятлари.